**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# *5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 892
"04" 10 2018 йил

# СЎЗ БОШИ

## 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон Миллий университети.
- Республика болалар ижтимоий мослашув маркази

## 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил «5» 07 даги N3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

## 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

**МУНДАРИЖА**


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)*** **бакалавриат таълим йўналишининг умумий тасnифи ....** | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси.... | 4 |
| 1.2. | *5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи .... | 5 |
| **2.** | ***5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ....** | **7** |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.... | 7 |
| 2.2. | *5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари .... | 7 |
| **3.** | ***5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)*** **бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ....** | **10** |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .... | 11 |
| 3.2. | Малака амалиётига қўйиладиган талаблар.... | 13 |
| 3.3. | *5520100 –Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.... | 14 |

## 1. *5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

***5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга "бакалавр" малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| **Ўқув режа ва фан дастурининг номи** | **Малака (даража)** | **Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати** |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби *5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;
- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. *5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)*** таълим йўналиши соғлиқни сақлаш соҳаси тизимларини, молия ва иқтисодиёт соҳаси тизимларини, таълим соҳаси тизимларини, давлат ва жамият бошқаруви соҳаси тизимларини ҳамда ижтимоий таъминот соҳаси тизимларини мажмуини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. *5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* таълим йўналиши бакалаврларининг касбий фаолияти объектлари** – соғлиқни сақлаш тизимлари, таълим тизими, ўзини ўзи бошқариш органлари, оилалар ва болалар манфаатларини ҳимояловчи ташкилотлар, меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлаш тизимлари, ижтимоий таъминот тизимлари, пенсия таъминоти тизимлари, ижтимоий ҳизмат кўрсатувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари тизимлари, ижтимоий суғурта тизимлари, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳайрия жамғармалар тизимлари, оила ва болаларни ижтимоий муҳофазалаш тизимлари, вояга етмаганлар билан ишлаш тизимлари, кексаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатувчи муассасалар, ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, психокоррекцион ёрдам кўрсатиш марказлари, оилалар ва болалар муаммоларини илмий-тадқиқ этиш институтлари, мактабгача таълим муассасалари, ўрта таълим мактаблари ва касб-ҳунар колледж, Ёшлар Иттифоқи ташкилоти, геронтология институтлари, бўш вақт ўтказиш ва инқироз марказлари ҳисобланади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

***5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

*–оилалар ва болалар билан ижтимоий ишнинг назарий асосларини амалиётда тадбиқ этиш;*

*– оилалар ва болалар ижтимоий манфаатларини муҳофазаловчи давлат ва нодавлат ташкилотлари, хайрия жамғармаларида профессионал мутахассис сифатида ишлаш;*

*–ота-она қарамоғисиз қолган болалар институционал муассасаларида ижтимоий иш ходими сифатида фаолият юритиш;*

*–вояга етмаганлар билан ишлашнинг барча тизимларида фаолият юритиш;*

*–болалар махсус мактаб-интернатларида ишлаш;*

*–ўзини ўзи бошқариш органларида кам таъминланган кўп фарзандли оилаларга ижтимоий кўмаклашиш тизимида фаолият юритиш;*

*– ижтимоий муҳтож оилалар ва болаларга соҳалараро ёрдамни ташкил этиш;*

*– оилалар ва болалар соғлиғини сақлаш тизимида ишлаш;*

*– ижтимоий суғурта тизимида фаолият юритиш;*

*– оилалар ва болалар ижтимоий муаммоларини илмий-тадқиқ этиш институтларида илмий фаолият юритиш;*

*– оилалар ва болалар билан ижтимоий иш олиб боришда дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш;*

*– Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва ёшлар билан профилактик тадбирларда иштирок этиш;*

*– девиант ҳулқли, пенитенциар муассасаларда болалар қайта ижтимоийлашуви ва мослашувини ташкил этишда кўмаклашиш;*

*– алоҳида эҳтиёжли болаларга социотерапевтик, психокоррекцион, тиббий-реабилитацион кўмаклашиш марказларида фаолият юритиш;*

*– болалар ва ёшлар билан ишлаш тизими менежментида ташкилий бошқарув ишларини ташкил этиш;*

*– болалар ва ёшлар муаммоларини илмий-тадқиқ этиш институтларида илмий фаолият юритиш;*

*– уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатларида ишлаш;*

*–пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларида иш юритиш;*

*– ўзини ўзи бошқариш органларида кексалар билан боғлиқ бўлган барча фаолият турлари бўйича ишлаш;*

*– кексаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида кўнгиллилар (волонтерлик) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда фаол иштирок этиш;*

*– кексаларга ғамхўрлик қилиш, уларга доимий потронаж ва уй ёрдамини ташкил қилишда иштирок этиш;*

*– боқувчисини йўқотган, ёлғиз кексалар уйларига борилганда уларнинг дори-дармонидан хабар олиш, уйларини тозалаш ва бошқа маиший хизмат кўрсатишда мутахассис, ходимларни жалб этишда иштирок этиш (имкони борича);*

*– бемор-ногиронларни ижтимоий текширишлардан (интервью, сўров ва социал эксперементлар ва ҳ.к.з.) ўтказиш;*

*– ногиронлар билан зарур бўлган ижтимоий муносабат ва мулоқотни ўрнатиш;*

*– мослаштирилган услубий-амалий текширувни аниқлаб олиш (якка тартибда ёки гуруҳ тарзида суҳбат, сўров, ижтимоий маълумотларни тўплаш, интервьюларни ижтимоий таҳлил қилиш, социал эксперемент амалиётларини ўтказиш);*

*– ногиронлар оиласи ва ногиронлар иштирокидаги тиббий-ижтимоий жараёнлар ҳолатларини ўрганиш, ўзаро муносабатларни текширишга йўналтирилган жараёнларни тадқиқ этиш, асосий тиббий-ижтимоий статистик услубиётларни ўзлаштириш;*

*– ногиронлар билан ишлашда асосий ва қулай бўлган ижтимоий усуллардан фойдаланиш;*

*– тиббий-ижтимоий статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, мониторинг олиб бориш, натижаларни умумлаштириш, чуқур таҳлил қилиш, хулосалаш, натижалар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда бу борадаги малакасини ошириш;*

*– Республика оила маркази ва марказларида оилалар билан ишлаш ва улар билан ишлашда ижтимоий иш усуллари орқали уларни баҳолаш;*

*– ногиронларни касбий малакаларини оширишдаги ўқиш ёки меҳнатнинг бирон-бир тури билан шуғулланишига уларни йўналтириш ишларини юритиш.*

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.3. *5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *илмий-тадқиқот фаолият;*
- *маънавий-маърифий фаолият;*
- *ташкилий-бошқарув фаолият;*
- *лойиҳавий;.*
- *амалий фаолият(оила марказларида ва маҳалларда)*;
- *турли хизматлар кўрсатиш ва шу кабиларни ўз ичига олади.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

*5А520101 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан);*

*5А520102 – Ёшлар билан ишлашни ташкил этиш* магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## 2. *5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва табиий илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

–табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўзининг касбий фаолиятида фойдалана билиши;

–инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

–ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ёрдамга муҳтож аҳоли қатламлари билан ишлаш, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

–тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

–янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва амалиётда қўллаш, меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– хорижий тиллардан бирини сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;

–соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

• таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

• тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. *5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Илмий-тадқиқот фаолиятда:**

–касбий фаолиятда ижтимоий иш соҳасида иш юритиш тизимларида замонавий методларини қўллаш;

–истиқболлий илмий-тадқиқот муаммоларини ажрата олиш;

–тадқиқотнинг назарий-методологик базасини ишлаб чиқиш;

–тадқиқотнинг режа ва дастурини тузиш;

–маълумотларни интерпретация, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва жамлаш методларини қўллаш ҳамда олинаётган эмпирик маълумотлар ҳақида тасаввур қилиш;

–интернет ва кутубхона-маълумотларидан фойдаланган ҳолда илмий ва амалий маълумотлар қидирувини амалга ошириш,

–интернет тармоғида янги илмий, ижтимоий соҳа ютуқлари ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

–илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим***.

**Маънавий-маърифий фаолиятда:**

– инсонийлик, меҳр-мурувват ва ҳайрия масалаларида аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишлар ўтказиш;

– кексалар ва ногиронларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси масаласида тушунтириш ишларини олиб бориш;

– Ёшлар иттифоқи ташкилоти ва маҳаллаларда маънавий-маърифий масалалар бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

–Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид манбалардан илмий, маънавий-маърифий соҳада фойдаланишни ташкиллаштириш;

–умуминсоний қадриятлар – инсонийлик, ижтимоий адолат, шахс шаъни ва ғурурини хурмат қилиш, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни ижтимоий ишнинг профессионал-этик асос сифатида очиб бериш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим***.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**

– ижтимоий ҳизмат ва ижтимоий ҳимоя дастурларини мустақил режалаштириш;

– ижтимоий ҳизмат ва ижтимоий ҳимоя дастурларини амалга оширишда кераклий ресурсларни қидириш;

– ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ҳизмат кўрсатувчи ходим, мутахассис ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташкиллаштириш;

– ижтимоий иш ҳизматини ташкиллаштириш;

– ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ҳизмат кўрсатувчи ходим, мутахассис ва ташкилотлар фаолиятини назорат, мониторинг ва баҳолашни амалга ошириш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

– ижтимоий ишнинг бошқарув тизимида ахборот технологияларни қўллаш;

– ижтимоий соҳага эффектив ҳалқаро тажрибани жорий қилиш;

– оилалар ва болаларнинг атроф-муҳитини, меҳнат хавфсизлигини ва ҳаётфаолиятини ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни ташкиллаштириш;

– ўзини ўзи бошқариш органларида кексалар билан боғлиқ бўлган барча фаолият турлари бўйича ишлаш;

– кексаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида кўнгиллилар (волонтерлик) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда фаол иштирок этиш;

– Республика ва худудлар кесимида ногиронликни ўзига хос кечиши, ривожланиши ва келгусидаги ҳолати, натижалари ва муаммолари, уларни олдини олиш ёки мавжуд кўникмаларни бартараф этишга доир таклиф, тавсияларини бериш;

– ногиронлик ва ногиронлар ҳаётига оид аниқ назарий-илмий хулосаларга асосланиб, жамият тараққиётининг келажаги, жумладан ногиронларни жамиятга уйғунлашуви, тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишини таъминланиши, дискриминацияга чек қўйилишини келгусида тўлиқ амалга оширилиши ҳақида ва уни режали равишда ривожлантириш истиқболларини белгилаб бериш;

– ногиронлик ва ногиронлар тиббий-ижтимоий реабилитацияси, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий хизмат кўрсатишга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам ўрганиш ва ижросини таъминлаш борасида фаолият юритиш;

– ўз мутахассислиги бўйича режали равишда малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Лойиҳавий фаолиятда:**

–жорий ва даврий кўрсаткичлар нисбати таҳлили ва зарур ресурсларни ҳисобга олган ҳолда уни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, лойиҳавий фаолиятнинг мониторинги учун маълумотлар базасини яратиш;

–тадқиқот, аналитик ва консалтинг лойиҳа фаолиятини амалга ошириш учун методик инструментарийлар, меъёрий ҳужжатлар, информацион маълумотлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

–ижтимоий кўрсаткичлар, жараён ва муносабатларни диагностика қилиш, баҳолаш, такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

–жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, тадқиқот натижаларини тарқатишда иштирок этиш;

–турли мақсадли аудиториялар учун маркетинг тадқиқотларни илмий-методик, техник ва информацион жиҳатдан таъминлаш, маркетинг хизматлар учун тавсиялар ишлаб чиқишда иштирок этиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Амалий фаолиятда:**

– оила марказлари ва маҳаллаларда малакавий амалиётни амалга ошириш;

– оилалар ва болалар ҳаётий вазиятларини баҳолаш;

– ижтимоий ёрдам ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг индивидуал дастурларини ишлаб чиқиш;

– оилалар ва болаларга ижтимоий маслаҳат ва ижтимоий кўмак кўрсатиш;

– оилалар ва болаларга ижтимоий хизмат кўрсатувчи ва ижтимоий ҳимояни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий хужжатлардан фойдаланиш;

– ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ҳизмат масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, шунга мос ташкилотларга йўналтириш;

– мажбурият юклатилган назоратни амалга оширувчи қарамоғ ўрнатилган оилалар ва болаларга соғлиғи туфайли ёрдам кўрсатиш;

– оилалар ва болаларга техник-реабилитацив, протез-ортопедик воситаларни олишда ёрдам кўрсатиш;

– оилалар ва болаларга бепул дори воситаларни олишда ёрдам кўрсатиш;

– оилалар ва болаларга бепул асосий озиқ овқат ва зарурий бирламчи гигиена воситаларини олишда ёрдам бериш;

– амалий фаолиятда ижтимоий ишнинг замонавий методларидан фойдаланиш;

– амалий фаолиятга замонавий технологияларни жорий қилиш;

– амалий ижтимоий иш тахлилида замонавий информацион технологияларни қўллаш;

– фаолиятнинг профессионал ижтимоий-иқтисодий масалаларини замонавий етакчи илм ва техника асосида ечиш;

– меҳнат фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, инсон саломатлиги ва ишга лайоқадлиларни қўллаб қувватлаш методларидан фойдаланиш;

–аҳолининг турли қатламларига ижтимоий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш;

– кексаларга ғамхўрлик қилиш, уларга доимий потронаж ва уй ёрдамини ташкил қилишда иштирок этиш;

– кексаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида кўнгиллилар (волонтерлик) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

– боқувчисини йўқотган, ёлғиз кексалар уйларига борилганда уларнинг дори-дармонидан хабар олиш, уйларини тозалаш ва бошқа маиший хизмат кўрсатишда мутахассис, ходимларни жалб этишда иштирок этиш;

–ногиронларнинг ижтимоий ва тиббий масалаларга доир ҳаётини барча жараёнларига таалуқли борлиқни, муаммоларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, ёзма статистика манбаларини тадқиқ қилиш, солиштириш, текшириш оқибатида ижтимоий тараққиёти, унинг объектларини, инстьитутларини социологик методология ва илмий текшириш усуллари ёрдамида ўрганиш;

–марказ жамоаси ва ногиронлар ҳақида дастлабки маълумотлар уларнинг эҳтиёжлари, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, ижтимоий муҳитдаги ориентациялари қиймати ҳақида, мотивлар, реал фактлар, феъел атвор ва моҳиятга таалуқли фактлар, ижтимоий фикрлар ва маълумотлар тўплаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш натижалари бўйича ҳақиқий тиббий-ижтимоий хулосалар чиқариш;

–аҳоли ўртасида, соғлом одамлар ва ногиронлар ўртасидаги ўзаро тенглик асосидаги муқобил муносабатларни оптимал равишда шакллантириш бўйича тарғибот ишларини (маърузалар, давра суҳбатлари ва учрашувларни ташкиллаштириш, меҳнат ва таълим муассасалари, ногиронлар билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларда бўлиш, илмий-амалий анжуманларда қатнашиш, оммавий-ахборот воситалари ва матбуот саҳифаларида чиқишлар қилиш, илмий-оммабоп материалларни чоп этиш ва ҳ.к.з) бажариш;

ижтимоий соҳага ривожланган мамлакатларда қўлга киритилган ютуқларни босқичма-босқич қўллаш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим***.

**Турли хизматлар кўрсатиш фаолиятида:**

– пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

– Ижтимоий иш соҳаси мутахассисликлари бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

–муассаса, ташкилотларда ва корхоналарда социологик хизматни ташкил этиш ва уни амалга ошириш;

–ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

–ижтимоий иш соҳасига тегишли магистр тайёрлаш ихтисослигига мос бўлган илмий лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш; ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим***.

## 3. *5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

математик ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

***Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:***

**Гуманитар фанлар бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Табиий-илмий фанлар бўйича:**

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

эҳтимоллар назариясининг математик асослари ҳақида тасаввурини шакллантириш лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки бўйича:**

Ижтимоий иш ва ижтимоий таъминотнинг истиқболларини кўра олиш, ижтимоий таъминот ҳақида билиш, ижтимоий таъминот тушунчаси ва унинг ижтимоий иш билан алоқадорлиги ҳақида билиш, ижтимоий иш муаммолари: генетика ва ирсият, маданий фарқлар, атрофидаги муҳит, ижтимоийялашув жараёнларини таҳлил қилиш;

Асосий тушунчалар, мақсади, ижтимоий иш тамойиллари, профессионал касбий таълим мазмунини билиш, ижтимоий муаммоларни ечиш ва огоҳлантиришга қаратилган ижтимоий ишни ижтимоий ҳаёт феномени сифатида тушуниш, ижтимоий иш йўналишлари, даражалари ва шаклларини билиш, ижтимоий иш ходимлари мижозлари билан ўзаро муносабатга кириша олиш этикасини билиш, ижтимоий иш мутахассисининг профессионал фаолиятини билиш, ижтимоий ишнинг замонавий концепциялари ва моделларини билиш, стигматизацияни олдини олиш ва ижтимоий фикрни шакллантириш;

Ижтимоий ишни назария ва амалиёт сифатида пайдо бўлиш тенденцияси ва асосий даврларини билиш, ижтимоий ишнинг асосий тарихий концепциялари, тарихий саналар, фактлар ва воқеаларни билиш, casework – психодинамик назариянинг асосий андозасини қўлаш, ижтимоий ишнинг мажмуавий йўналтирилган моделлар хусусиятларини билиш, функционал, радикал-тузилмавий, радикал-гуманитар ва интерпретатив социологик парадигмалар йўналишидаги ижтимоий иш концепцияларини билиш;

Ўзбекистонда ва чет мамлакатларда ижтимоий ишнинг асосий ривожланиш тенденциялари, ижтимоий ишнинг даражалари: шахсий, гуруҳий, жамоавий, ижтимоий ишнинг назарий парадигмалари, ижтимоий ишнинг турли хил методлари, назарий тамойиллари, объекти, предмети ва категориялари, унинг мажмуавий-интегратив

тавфсифини билиш, ижтимоий сиёсатнинг объекти ва субъектини, Ўзбекистонда замонавий ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифалари, шаҳар ва қишлоқ муаммоларини ҳал этишда ижтимоий сиёсий жараёнларни тадбиқ этиш;

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органлари жамиятни турли ижтимоий гуруҳларини қўллаб қувватлашини билиши, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий давлат дастурларини, ижтимоий иш ва ижтимоий сиёсатининг ўзаро алоқадорлигини аниқлай олиши, ижтимоий ишнинг мухим профессионал қадриятлари, уларнинг моҳияти ва типологияси, мижозлар олдидаги аҳлоқий мажбуриятлар: маданий лаёқатлилик ва ижтимоий фарқлаш, манфаатлар низоси ва сир сақлай олиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, ишни тўхтатиш каби фаолиятлардан фойдалана олиш;

Турли ёш, моддий мақом, маданият, жинсдаги ва бошқалар билан ишлашда аҳлоқий қадрият ва принципларга эга бўлиш, ижтимоий ишнинг деонтологик масалаларини аниқлаш, инсон ҳаётфаолиятининг турли томонлари, аҳолининг турли гурухлари билан ишлашнинг махсус методларини қўллаш, жамиятдаги ҳар бир шахснинг ижтимоий, молиявий, тиббий саломатлиги ва ҳордиқ чиқариш муаммолари билан ишлаш, доимий ичимлик сувига эга бўлмаслик, тўйиб овқатланмаслик, яшаш жойи шароитларининг ёмонлиги, яшаш жойида зарурий шарт-шароитлар яратилмаганлиги билан боғлиқ инсонлар билан ишлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, ижтимоий ишда ҳуқуқий меъриий хужжатлардан фойдаланишни билиш, ёрдамга муҳтож фуқаролар қизиқишларини ҳимоя қилиш ташкилотларининг асосий ҳуқуқий фаолияти ҳақида билиш, меҳнат ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари, бандлик марказлари органлари фаолиятида қўллаш,Ўзбекистон аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг ҳуқуқий-институционал асослари ва уни манзиллилигини кучайтириш йўналишлари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини манзиллилигини кучайтиришда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг тутган ўрнини ортиб бориши, меҳнат бозорининг функциялашув жиҳатлари ва унинг тенденциялари ҳақида тасаввур шакллантириши;

Ижтимоий реабилитация шакллари, ижтимоий терапия, ижтимоий диагностика қилиш, жамият ва унинг структурасини ўрганишга қаратилган асосий назарий концепциялар ва ёндашувларни билиш, ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий жамоалар, ижтимоий хулқ-атворни бошқариш шакллари ва асосий қонуниятларини билиш, социал коммуникациянинг тушунчалари ва функцияларини билиш, ижтимоий ишнинг назария ва амалиётида касбий компетентликни кўрсата олиш, ижтимоий ишнинг асосий технологияларини қўллаш: ижтимоий назорат, ижтимоий профилактика, ижтимоий терапия, ижтимоий реабилитация, ижтимоий ҳимоя ва ёрдам, ижтимоий суғурта ва воситачилик, ижтимоий ғамхўрлик, оилалар ва болаларга ижтимоий ҳимоя қилиш ва хизмат кўрсатиш муассасаларини хужжатлаштиришни билиш, назарий, амалий ва лаборатория машғулотларининг хусусиятларини, махсус фанларни ўқитиш мақсадини белгилашни, машғулот мақсади ва вазифалари асосида таълим усулларини танлаш, таълим жараёни натижаларини баҳолаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ихтисослик фанлар блоки бўйича:**

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

аҳолини кексайиш жараёни, оилаларга жамиятда яратилган шароитлар ва уларга бўлган муносабатлар, аёлларнинг ёлғизлик муаммолари, болаларнинг ижтимоий адаптация хусусиятлари, ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш, ногиронлик ижтимоий муаммоси, замонавий жамиятларда аҳолининг ногиронлик динамикаси, БМТнинг ногиронларга қаратилган бутунжаҳон ҳаракат дастури, ёлғиз касалманд инсонларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, менежмент технологиясини қўллаш ҳақида тасаввур пайдо қилиши;

ижтимоий иш соҳаси ходимларининг лавозим мажбуриятлари ва функциялари қўллаш, турли ижтимоий ҳимоя муассасаларига раҳбарлик қилиш, ижтимоий иш

менежментининг назарий-методологик асослари, ижтимоий ишни ижтимоий бошқариш тизимининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари, ижтимоий иш менежментининг мақсади ва вазифалари, ижтимоий иш менежментининг асосий тушунча ва қонуниятлари, ижтимоий иш менежментида прогнозлаш, лойиҳалаш усуллари, ижтимоий хизмат марказлари ва институционал муассасалар бошқарув тизими хусусиятлари, аҳоли турли қатламлари билан ижтимоий ишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш муаммолари, ижтимоий менежменти асосларини ташкил этувчи илмий билимларни, ижтимоий ишда кейс-менежментнинг мазмун-моҳиятини, ижтимоий иш менежменти тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш, гуруҳлар билан ижтимоий иш олиб бориш технологияси ҳақида тасаввур пайдо қилиши;

гуруҳий методлар моҳияти, ижтимоий ишчининг гуруҳ билан даврий ишлашдаги вазифалари, ижтимоий ва жисмоний имкониятлари чекланган инсонларнинг бирлашмалари, полиатив ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ишнинг асосий мижозлари таркиби, муаммони баҳолаш (диагностика қилиш) методикаси, маълумот тўплаш усуллари ва масканлари, мижоз билан ишлашда генограммадан фойдаланиш, ижтимоий ишда маслаҳат бериш хусусиятлари, мижоз билан ишлашни режалаштириш жараённи ташкил этишни билиши, асосий тамойиллари талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлиши;

ижтимоий иш соҳасида таҳлил усуллари, ижтимоий иш технологияларини яхши билиш, турли аҳоли қатламлари билан ишлаш усулларнидан фойдалана билиш, амалий фаолиятда юзага келадиган камчиликлар ва хатоликларни бартараф этиш;

**Қўшимча фанлар блоки бўйича:**

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуктаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

***Танлов фанлари:***

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**Курс иши мавзулари бўйича:**

Курс иши факультет кенгаши қарори билан белгиланган фанлар доирасида ишчи ўқув режасида кўрсатилади. Курс ишлари белгиланган фанлардан олинган билимларни бойитишга хизмат қилиши керак.

**3.2. Малака амалиётига қўйиладиган талаблар:**

Амалиётлар бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар танишув, ва малакавий амалиётда иштирок этиш шаклида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – ўқув-танишув, малакавий ва битирув олди амалиётларидан ташкил этилди.

***Ўқув-танишув амалиёти*** ўтказилганда – талабалар социология таълим соҳасига мос муассаса ва ташкилотлар билан умумий тарзда танишадилар. Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади. Касбий таълим йўналишларида талабалар умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари билан ҳам танишадилар.

***Малакавий амалиёт*** мутахассислик фанларидан ўтказилиб, талабаларни бевосита мустақил ишлашга тайёрлайди. Ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштиради ва мустаҳкамлайди.

***Битирув малакавий иши олди амалиёти*** – битирув малакавий ишни тайёрлаш учун маълумот тўплаш ва тизимлаштиришга мўлжалланган. Бунда битирувчилар ҳозирги замон фанининг долзарб масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва бошқа илмий ташкилотларда, кутубхоналарда ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш орқали битирув малакавий ишини бажариш учун материаллар тўплайди ҳамда соҳа бўйича етакчи олим ва мутахассислар билан мулоқотларда илмий маслаҳатлар олади.

***Битирув малакавий ишига қўйиладиган малакавий талаблар*** – талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий иш мавзулари соҳанинг ривожланиш истиқболи ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув малакавий иш мавзулари назарий (реферaтив) ёки илмий-тадқиқот йўналишида бўлиши ҳам мумкин.

Битирув малакавий иш топшириғи, одатда талабаларга учинчи курс тугатганидан кейин берилади. Битирув малакавий иш умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштирганлик даражаси бўйича тўртинчи курсда, шунингдек унинг бажарилиши учун ушбу стандарт томонидан белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

**3.3. *5520100 – Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| Назарий ва амалий таълим | - 57 %; |
| аттестация | - 11 %; |
| таътил | - 16 %; |
| малака амалиёти | - 13 %; |
| битирув малакавий иши | - 3 %. |

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

| | |
|---|---|
| гуманитар ва табиий-илмий фанлар | - 25 %; |
| умумкасбий фанлар | - 49 %; |
| ихтисослик фанлар | - 20 %; |
| қўшимча фанлар | - 6 %. |

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7. Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

ижтимоий иш тарихи, ижтимоий ишчи, ижтимоий иш назарияси, ижтимоий иш этикаси, ижтимоий сиёсат, ижтимоий иш йўналиши, ижтимоий ишчининг функцияси ва роли, ижтимоий иш методлари, ижтимоий психология, ижтимоий диагностика, ижтимоий инфраструктура, ижтимоий терапия, ижтимоий геронтология, шахсларо конфликт, оилавий конфлик, ижтимоий мослашув, соғлом турмуш тарзи, ижтимоий ишнинг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқий кафолат, ижтимоий иш менежменти, ижтимоий сиёсат муаммолари, ижтимоий бошқарув, ногиронлиги бор болаларни кузатиб қўйиш, васийлик ва ҳомийлик, маҳалла функциялари, инклюзив таълим, аҳоли бандлиги, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий кафолат, ижтимоий хизмат, ижтимоий суғурта, уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, Мурувват уйи, Саховат уйи, ижтимоий институтлар, тиббий-ижтимоий реабилитация, ижтимоий хизмат кўрсатиш, пенсия таъминоти, оила ва гендер, ижтимоий нафақа, пенсия жамғармаси, ижтимоий таъминот.

***5520000- Ижтимоий иш (оилалар ва болалар билан)* бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

